



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KONGRESS PALATASI
INV. №

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ
МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

2005 йил, 31 март, пайшанба № 39 (2083).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Четверг, 31 марта, 2005 год, № 39 (2083).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

В розницу — цена свободная

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

29-30 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Қонунчилик палатасининг Спикери Эркин Халилов олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Муҳокамада К.Жумамуротова, Э.Юсупов, Ф.Ҳотамов иштирок этдилар. Қонунчилик палатаси мазкур қонунни қабул қилди.

Мажлисида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси А.Турсунов «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси юзасидан мазкур қонунни қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов депутатларга «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 160-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар А.Шукуров, О.Исаев, Ш.Абдуллаева, И.Насриев, З.Убайдуллаев иштирокида бўлиб ўтган савол-жавоблар ва муҳокамадан сўнг қонун қабул қилинди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили

(Омбудсман)нинг 2004 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот юзасидан С.Рашидова сўзга чиқди. Муҳокамада З.Мунавваров, А.Зиё, А.Мўминов, О.Ўсаров, А.Шодмонов, Э.Юсупов, Х.Ҳакимов, А.Юнусова, Т.Абдуллаева, Ю.Нишонов иштирок этдилар. Парламентнинг куйи палатаси Омбудсманнинг ҳисоботини маъқуллади.

Бир томондан Ўзбекистон Республикаси, иккинчи томондан, Европа ҳамжамятлари ҳамда уларга аъзо-давлатлар ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳақида Ташқи ишлар вазирлиги бошқармасининг бошлиғи Қ.Юсупов депутатларга ахборот берди. Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси М.Тешабоев «Чехия Республикаси, Эстония Республикаси, Кипр Республикаси, Венгрия Республикаси, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Мальта Республикаси, Польша Республикаси, Словения Республикаси ва Словакия Республикасининг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси бир томондан Европа ҳамжамятлари ҳамда уларга аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга Баённомани (Брюссель, 2004 йил 30 апрель) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. А.Рустамов, А.Турсунов, Р.Собиржонов, А.Шодмонов иштирокида бўлиб ўтган муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси қонунни қабул қилди.

Қонунчилик палатаси ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2005 йил 30 март кунини Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтерро тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Қозғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Кенгаш ШХТ худудидидаги вазиятни кўриб чиқиб, террорчилик, айирмачилик ва экстремизм ШХТга аъзо давлатларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига ҳамон жиддий таҳдид солиб турганини қайд этди.

Кенгашда ШХТга аъзо давлатларнинг аксилтерро салохиятини янада юксалтиришга, террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш борасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришга оид умумий интилиш мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори В.Қосимовнинг Кенгаш қарорларининг ижроси тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Кенгаш ШХТ МАТТнинг жорий фаолиятига ҳамда террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашда ШХТга аъзо давлатлар ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини шакллантиришни давом эттиришга оид масалалар бўйича қатор қарорлар қабул қилди.

ШХТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2005 йил сентябрь ойининг биринчи ярмида Тошкентда ўтказишга келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси амалий ҳамкорлик ва ишчанлик руҳида ўтди. (ЎЗА).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз,
ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!



ЮҚОРИ СИФАТ ЭЪТИРОФИ

«Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятида ИЛ-114, ИЛ-76 ва уларнинг модификацияларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва регламент ишларини бажариш учун сифат тизимини жорий этиш бўйича ташкилий-техник тадбирлар мажмуи муваффақиятли якунланди.

Бош қароргоҳи Эссен (Германия)да жойлашган TUV CERT халқаро сертификациялаш органи томонидан ўтказилган аудитдан сўнг Ўзбекистон авиация саноати пешқадамнинг сифат тизими маъқулланди ва бу тизим ISO 9001:2000/EN ISO 9001:2000 халқаро сифат стандартлари талабларига жавоб бериши тасдиқланди.

Шу муносабат билан бирлашмада меҳнат жамоаси, давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. TUV CERTнинг Марказий Осиё бўйича вице-президенти Али Ризо Малики бирлашма бош директори В.Кучеровга RWTUV Systems GmbH халқаро сертификатини топширди.

Таъкидландики, жамоа фаолиятининг бундай юксак эътирофи — мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг авиасозларга доимий эътибори ва ғамхўрлиги самарасидир. Мамлакатимиз авиация тармоғи изчил замонавийлаштирилаётгани ўзбек самолётсозларига замон билан ҳамнафас қадам ташлаш ва халқаро бозорларда тобора кучли мавқе эгаллаш имконини бермоқда. Бирлашма биринчи галда

маҳсулотнинг юқори сифатини таъминлаш ва-зифасига эътибор қаратиб, МДХ мамлакатлари ва бошқа хорижий давлатларда катта обрў қозонди ва эътирофга сазовор бўлди.

Ўтган йил охирида Ҳиндистоннинг буюртмасига кўра модернизация қилинган янги ИЛ-78МКИ русумли ёқилғи қуювчи самолётларни етказиб бериш бўйича шартнома муваффақиятли амалга оширилди. Улар илгари Тошкентда ишлаб чиқарилган ИЛ-78 самолётларидан - 190 тонна ўрнига 210 тонна юк билан парвоз қилиш имконига эгаллиги, қаноти ва шассиси мустаҳкамлиги, ҳавода ёқилғи куйишга мўлжалланган янги асбоблари билан ажралиб туради.

ИЛ-78МКИ самолётларини қуриш бўйича лойиҳани амалга ошириш олтита мамлакат мутахассисларининг биргаликда ишлашини тақозо этди. Модернизация туфайли у реципиент-самолётларга қўшимча 30 тонна ёқилғи қуя олади ва тезкорлик билан десантчи транспорт самолётига ўзгартирилиши мумкин. 2004 йил давомида буюртмачига 4 та шундай машина юборилди.

(Давоми 2-бетда).

Чақирув — 2005

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Марказий офицерлар уйида республикада фаолият кўрсатётган оммавий ахборот воситалари ходимлари билан баҳорги чақирув мавсумига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Учрашувни Мудофаа вазирлиги матбуот қотибияти бошлиғи полковник Раҳимжон Нурназаров очиб, Президентимиз Ислам Каримовнинг матбуотда эълон қилинган «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарори ва Мудофаа вазирлигининг буйруғи асосида ёшларни армияга чақиришга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилаётганлиги борасида тўхталди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартдаги «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, (Давоми 5-бетда).

С полей боевой учебы



Мастерски овладеть вверенным оружием, досконально изучить основы профессии — такой видят сегодня перед собой задачу воины-артиллеристы, которые продолжают совершенствовать свой профессионализм в ходе полевых занятий. Отрадно, что наряду с опытными офицерами высокий класс демонстрируют и недавние выпускники училищ, что свидетельствует об их хорошей базовой подготовке в стенах высших военно-учебных заведений. Мастерами меткого огня в ходе тактических учений зарекомендовали себя, в частности, лейтенанты Тимур Джафаров и Шерали Клычев (на переднем плане).

Фото подполковника Ярослава КОРУКИ.


(Давоми. Боши 1-бетда).

Бирлашма томонидан, шунингдек, мамлакатимиз ва хорижий давлатлар авиакомпаниялари учун олти ИЛ-76ТД ва тўртта ИЛ-114 лайнери ишлаб чиқаришга оид буюртмалар бажарилди.

Ўтган йили бирлашма AS 9100 (Boeing Company) сифат тизими мувофиқлик сертификатини ҳам олди. Жаҳоннинг машҳур компанияси шартнома доирасида Boeing-737 самолётлари учун ўзбек самолётсозлари етказиб берган бутловчи қисмларнинг сифати юқори эканлигини эътироф этди.

Бошқа ҳамкорлар билан ҳам самарали алоқалар йўлга қўйилган. Жумладан, «Волга-Днепр» халқаро авиакомпанияси учун авионика комплекси такомиллаштирилган ИЛ-76ТД самолётларига «Пермские моторы» АЖ (Россия) двигателлари ўрнатилмоқда. Бу моторлар шовқин ва эмис-

ЮҚОРИ СИФАТ ЭЪТИРОФИ



сия бўйича ИСАОнинг барча талабларига жавоб беради.

ИЛ-76ТД-90ВД самолёти қайта моторлаштириш билан бирга такомиллаштирилган авионика билан таъминланмоқда, бунда учиб вақтидаги маълумотларнинг асосий қисми аналог асбоб ва индикаторларга эмас, балки тўртта рангли суюқ кристалли дисплейга чиқарилади. Бу эса учини бошқариш имкониятларини кенгайтириш, учувчиларнинг ишини осонлаштириш, кабина эргономикаси ва дизайнини яхшилаш имконини беради.

ИЛ-114-100 самолётларини Канадада ишлаб чиқарилган Pratt & Whitney янги двигателлари ва авионика билан модернизация қилиш лойиҳаси ҳам рўёбга чиқиш босқичида турибди. Айни чоғда монтаж қилинган двигателларга қўшимча равишда

миз. Бу эса ҳар қандай англашилмовчиликларсиз тиббий текширувнинг ҳолис олиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу кунинг барча синовлардан камчиликларсиз ўтган қақирлувчи Шухрат Дўсмаев номи Ички ишлар вазирлигининг Қоровул қўшинларида йигитлик бурчини ўтайдиган номзодлар ичида биринчилардан бўлиб қайд этилди.

Барча синовлардан муваффақиятли ўтишимда спорт билан шуғулланганлигим анча қўл келди, — дейди Шухрат.

Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманидан бўлган йигит 4 йилдан буён ЖАР спорт мажмуасида спортнинг қўл жанги тури билан шуғулланиб келар экан. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, Тошкент олий ҳарбий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга киришга аҳд қилган.

Тиббий кўрикдан юқори натижа билан ўтган йигитлардан яна бири юнусободлик Абдор Юнусовдир.

Мен ҳам акамга ўхшаб келажакда ҳарбий бўлмоқчиман. Тўғри, муддатли хизматга бормасдан туриб, ҳарбий билим юртига ҳужжат топширишим мумкин эди. Лекин аввал, ҳаёт мактаби аталмиш армияда хизмат қилишни афзал билдим. Чунки ҳар бир йигит ҳаётида армиянинг ўрни ниҳоятда муҳим.

Ушбу йигитлардан ташқари тиббий кўрик ҳулосаларига кўра яроқли деб топилди, керакли балл йига олган Умид Юсупов, Фаррух Аброев, Қобилхўжа Алихўжаев каби қақирлувчилар би-

Rockwell Collins замонавий авионика комплексини ўрнатиш ва йўловчи салони ички кўринишини такомиллаштириш кўзда тутилмоқда. Иккита ИЛ-114-100 лайнери миллий авиакомпаниямиз — «Ўзбекистон ҳаво йўллари»га берилди.

2005 йилда бирлашма бутун сайёҳаракатини маҳсулотни сотишдан кейинги қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга, шу жумладан, самолётларимиз ишлатилаётган жойларда хизмат кўрсатиш марказларини шакллантиришга қаратилади.

Ўз галида, ИЛ-114 самолётининг юк ташишга ихтисослашган русуми бўйича сертификация синовлари якунлангани ва ИЛ-76МФ самолёти давлат синовлари дастури ниҳоясига етганини соҳа тараққиётидаги истиқболли йўналишлар сифатида қайд этиш ўринлидир.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Чақирув — 2005


ЮРТ ИШИГА ФИДОЙИЛАР КЕРАК

Бугун Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, ҳарбийлик кейинги пайтда нуфузли касбга айланиб улгурганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бу албатта, шунчаки айтилган қуруқ гаплар эмас. Айни пайтда, баҳорги чақирув қизгин суръатда олиб боришмоқда. Жойларда ташкил этилаётган чақирув ишларини кузатсангиз, сизнинг ҳам кўнглингизда шу фикр кечиши, шубҳасиз.

«Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ҳамда Мудофаа вазирининг буйруғи жойларда қандай ташкил этилаётганини кузатиш мақсадида Тошкент шаҳар йиғин пунктида бўлдик.

Ховлидаги қақирлувчиларни кўздан кечириб эканмиз, уларнинг аксарияти ўз яқинлари ва ота-оналари билан ташиф буюришган.

Барча синовлардан муваффақиятли ўтган пойтахтлик йигитлар соғлиқлари тўғрисида якуний ҳулосага эга бўлиш мақсадида бу ерда сўнгги бор малакали шифокорлар назоратидан ўтишди, — дейди йиғин пункти катта шифокори Шоира Одилова. — Шифокорларимизнинг бар-



часи кўп йиллик тажрибага эга олий тоифага эга бўлиб, улар тиббий кўрикнинг адолат мезонлари асосида ўтишини таъминлаб келишмоқда. Бундай фидойи ходимларимиздан Вера Девлишева (невропатолог), Олтинбек Абдуллаев (дерматолог), Сулейман Гасанов (жарроҳ), Зулфия Ходжаева (отоларинголог),

Марс Шакулов (рентгенолог), ультра товуш текшируви шифокори Ширин Мирзаахмедова, Фарид Аймамбетовалар (стоматолог) нинг номларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Боз устига, ҳозир янада сифатли текширувни амалга ошириш учун бир қанча замонавий тиббиёт анжомлари билан таъминланган-

дан суҳбатлашганимизда, улар ҳам ҳарбийликка иштиёқи баландлигини яшириб ўтиришмади.

— Ҳарбийлик кўпчилик йигитлар орзу қиладиган касб, — дейди биз билан суҳбатда пойтахт мудофаа ишлари бошқармасининг вақтинча чақирув бўлими бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник Анвар Саломов. — Бу ерга келганларнинг деярли барчасида, мен муддатли ҳарбий хизматга кетаман деган ният бўлади. Лекин биз танловда энг юқори балл тўплаган фуқароларнигина муддатли хизматга жўнатамиз. Ахир, бугун профессионаллашиб бораётган миллий армиямизнинг талаби ҳам шу.

Ҳа, юқорида биз билан суҳбатлашган йигитларнинг деярли барчаси келажакда ҳаётини ҳарбий соҳага боғлашни маълум қилди. Қақирлувчиларнинг кўпчилиги билан мулоқотда бўлиб, фикрларини ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, ҳақиқатан ҳам ўғлонларимиз Ватан ҳимояси йўлида ёниб яшаётганлардан экан. Улар қалб даъватларига қулоқ тутиб, юрт ҳимоясидек шарафли касбни танлашда болалиқдаги беғубор орзу ҳавасларини устун қўйишди. Бу истак йиллар ўтиши натижасида қатъий қарорга айланган эди. Йигитлар ҳарбийликни танлаб хато қилишмаганди. Зеро, юртнинг асл фидойи, ватанпарвар, довжорак ўғлонларигина бу касбда муносиб хизмат қила олишди.

Катта лейтенант
Ҳасан МИРЗАЕВ,
Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбирлари.

ЎҒЛОНЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНДИЛАР

Бугун Термиз шаҳар мудофаа ишлари бўлими ҳар қачонгидан ҳам гавжумроқ. Бу ерга нафақат қақирлувчилар, балки уларнинг ота-оналари, яқинлари ҳам келишган. Бундай ҳолатни қақирув мавсумида бўладиган одатдаги ҳол деб изоҳлаш, бугунги кунда бироз нотўғри. Ёшларимизни бу ерга етаклаб келган куч мажбуриятдан кўра юқорироқ бўлган садоқат, ватанпарварлик туйғуси, десак янглишмаган бўламиз.

Биз мамнуният билан шуни қайд қила оламизки, айни кунларда ҳарбий хизматнинг нуфузи сезиларли даражада ошган. Халқимизнинг армияга бўлган муносабати тубдан ўзгарган. Бу ҳам бўлса, Қуролли Кучларимизда олиб борилган ислохотларнинг самарали натижасидир.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил қилиб белгиланганлиги, кўпдан-кўп ёшлар учун катта имконият бера олувчи сафарбарлик қақирув резерви хизматини халқимиз катта хурсандчилик билан кутиб олди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Қуролли Кучларни ислох қилиш учун аниқ мақсад, режалар белгилаб берилган эди, — дейди шаҳар мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Ҳабиб Шарипов. — Тезкор, давр талабларига жавоб бера оладиган, ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга бўлган миллий армиямизни барпо этиш учун улкан ва самарали ишлар амалга оширилди. Бунда албатта, мудофаа ишлари бўлиmlарининг ҳам ўзига хос ўрни бор. За-

мон талабларига кўра, қақирув ишлари ҳам йилдан йилга мукамаллашиб, такомиллашиб бормоқда. Халқимизнинг армияга нисбатан муносабати тамоман ўзгарган. Бугунги кунда олиб борилаётган ишларни ҳақли равишда халқ ва армия яқдиллигининг амалий ифодаси дейиш мумкин. Айни кунларда хизматга отланаётган йигитлар ота-оналари, яқинларидан ташқари маҳалла оқсоқолларининг ҳам назаридадилар. Бундай диққат-эътибор Ватан ҳимоясига отланган йигит зиммасига у онгли равишда қабул қиладиган юксак масъулият ҳиссини уйғотиши табиийдир.

— Ҳарбий хизматга бу қадар катта ва жиддий синовлар билан олишларини, тўғриси айтган-

да, кутмаган эдим, — дейди қақирлувчи Шамсиддин Турдиев. — Соғлом бўлишнинг ўзи кифоя қилса керак, деб ўйлабман. Мактабда ўқишларим яхши эди. Спорт билан ҳам жиддий шуғулландим. Танловнинг барча шартларидан муваффақиятли ўтдим. Бундан нафақат ўзим, балки оила аъзоларим ҳам ниҳоятда хурсанд бўлишди. Мен йигитлик бурчимни садоқат билан ўтаб, ота-онам қувончини янада зиёда қиламан.

— Ҳарбий хизматнинг барча қийинчиликларини енгиб ўтишга ўзимни ҳозирданоқ руҳан тайёрлаб бораёман, — дейди яна бир қақирлувчи Акбар Алланазаров. — Оиламизда болалиқдан ҳалолликка, меҳнатга ўрганиб катта бўлганмиз. Ота-онам, опа-укаларим ҳам ҳарбий хизматга лойиқ топилганимдан хурсанд бўлдилар. Оиламизда ҳарбийлар-

га ўзгача меҳр ва ҳурмат билан қарайдилар. Мен уларнинг бу ҳурматлари бежиз эмаслигини чегара қўшинларида фидокорона хизмат қилиб, яна бир бор исбот қилмоқчиман.

Бўлимда қақирув ишларининг талаб даражасида ташкиллаштирилишида ҳар бир офицер ва хизматчиларнинг ўз ўрни бор. Капитан Ҳалим Гаффаров қақирув бўлимига етакчилик қилади. Батариб юритилган иш фаолияти туфайли шу кунлардаги қизгин жараён ҳеч кимни шошириб қўйган эмас. Жамоа аъзоларининг аҳилик ва уюшқоқлик билан фаолият юритганлари сабаб, бу ерда баҳорги қақирув ишлари яхши ташкиллаштирилган.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Жануби-ғарбий махсус округи ҳарбийлари орасида

Дала-ўқув машғулотида

ПОСБОНЛАРНИНГ ЕТАКЧИСИ

Албатта, бу ўринда кичик командир – сержантлар тушунилади. Ҳа, сержант чин маънодаги етакчи бўла олса, марра уники. Округдаги энг илғор жамоалардан бири капитан Анвар Кенжаев командирлик қилаётган батальонда бўлганимизда бунини янада яққол ҳис қилдик.

...Қишки ўқув мавсумининг машғулотида авж палласига чиққан пайт. Посбонлар полигонда амалий кўникмаларини исботлаши керак. Мотоўқчилар зудлик билан мудофаа чизигини эгаллашди. Жанговар вазифа аниқ. Шартли душманнинг ҳужумини қайтариш. Унга муносиб зарба бериш. Гранатомётчилар секциясига шартнома бўйи-

ча хизмат кичик сержанти Фурқат Туропов командирлик қилди. Фурқат округ сержантлар тайёрлаш мактабини муваффақиятли тугатиб, мана ўз тажрибаларини аскарларга ўргатиб келмоқда. Хуллас, кичик сержант Туропов бошчилигидаги гранатомётчилар шартли душманнинг зирҳли техникасига — ҳаракатланувчи нишонга қарата ўт очишди. Жанговар вазифа аъло даражада удаланди.

Шу ўринда ўқчи посбон оддий аскар Шерзодбек Исломовнинг маҳоратини ҳам таъкидлаб ўтса арзийди. Тахминан 300 метрлар масофадаги пайдо бўлувчи нишонни автомати билан яқсон қилиб, сафдошларини

ютуқлар сари руҳлантирди, у. Қолаверса, гуруҳ командири катта лейтенант Раҳим Жўраевнинг ишончини оқлади. Айни пайтда у сафдошлари билан синов машғулотидаги пухта ҳозирлик кўраётди. Таъкидлаш жоизки, синовларни топшириб бўлгач, резервга бўшайди. Ҳозирча Тавсияномага номзоди кўрсатилган. Синовлардаги натижалар бу муҳим имтиёз тақдирини ҳал этади. Шу сабабли ҳам аскар йигит илғорликка интиляпти. Ахир, олий ўқув юртига ўқишга кириш, келажакда етук мутахассис бўлишдек орзуси бор-да.

Бир сўз билан айтганда, жамоада ўзаро мусобақадорлик, кўмакдошлик, аҳиллик ҳукмрон. Бу эса синовларда ҳам илғор жамоанинг юзини ёруғ қиладиган сифатлардир.

Сафарбарлик чақируви резервида

БУ СИЗНИНГ ИМКОНИЯТИНГИЗ

Сафларида минглаб ёшларимиз хизмат бурчини ўтаган ва ўтаётган сафарбарлик чақируви резерви хизмати кўплар учун катта имконият ҳисобланиб қолди. Бу хизмат тури илк бор амалда қўлланилган дастлабки вақтларда юртдошларимизнинг барчаси ҳам уни тўлалигича тушуна олган эмаслар. Ана шу тушунмовчиликни бартараф қилиш мақсадида Мудофаа вазирлиги томонидан бир неча бор матбуот анжуманлари уюштирилди, маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари етакчилари билан биргаликда тушунтирув ишлари олиб борилиб, бу хизмат турининг асл моҳияти очиб берилди.

Кейинги йилларда эса хизматнинг бу турига ҳам фуқароларнинг қизиқиш ва интилишлари янада кучайиб бормоқда. СЧР батальонларида ойлик йиғинни ўтаган, қисқа муддат ичида ҳарбий касбда ўз иқтидорини намойиш қила олган йигитлар қалб даъватига қулоқ тутиб, шартнома бўйича хизматни давом эттирмоқдалар.

СЧР биринчи навбатда ота-оналарни қизиқтириб қолди, десақ муболаға бўлмайди. Чунки ҳар бир ота-она ҳам фарзандини ҳар доим кўз ўнгиде бўлишини истайди. Хизматнинг бу тури эса айнан уларнинг истакларига мос келди. СЧР сафларига олинган фуқароларнинг ойлик йиғини туғилиб ўсган жойларидан унчалик ҳам олис бўлмаган жойларда ўтказилади.

Фуқароларнинг бир ой ичида ҳарб илми кўникмаларини мукамал эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган. Капитан Аслиддин Ҳақбердиев етакчилик қилаётган батальонда ҳам бу борада олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Замонавий усулда жиҳозланган машғулоти хоналари, спорт шаҳарчаси, компьютерлар синфи ойлик йиғин иш-

тирокчиларига хизмат қилади. Йиғиннинг қисқа вақтда якунланиши эътиборга олиниб, бу ерга энг тажрибали, ҳарб илмининг билимдонлари жалб қилинган.

– Улар билан ишлаш мураккаб бўлиш билан бирга, қизиқарли ҳамдир, – дейди батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Нуриддин Авлаев. – Улар турли касб эгалари, зиёлилар, қизиқишлари ҳам шунга яраша. Улар билан ишлаш учун маълум тажрибага эга бўлмасангиз, қийин ҳолатга тушиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Йиғин иштирокчилари билан қизиқарли тадбирлар, савол-жавоб кечалари ташкил қиламиз. Таниқли шахсларни у ёки бу сана муносабати билан йиғинга таклиф қиламиз. Бир сўз билан айтганда, ойлик йиғин унинг ҳар бир иштирокчиси ҳаётидаги энг унутилмас ва масъулиятли дамлар бўлиб қолади.

– Қарши давлат университетининг химия-биология факультетини тамомлаганман, – дейди биз билан суҳбатда Аҳмад Алиёров. – Хизматнинг бу тури менинг режаларимга жуда мос келди. Йигитлик бурчимни СЧР хизматида ўтаётганим келажаким учун ҳам қулайлик яратди. Бундай имкониятдан биз каби ёшлар бениҳоя хурсандимиз.

– Яқиндагина ишни бошлаган эдим, – дейди яна бир йиғин иштирокчиси Қувват Орипов. – Касбим – муҳандислик. СЧР хизмати мен учун айни муддао бўлди. Севимли касбимдан узоқлашмаганим ҳолда йигитлик бурчимни ҳам ўташ имкони борлигидан хурсандман.


Бундай мамнуниятга тўла фикрларни ойлик йиғин иштирокчиларининг қарийб барчаси билдириши мумкин. Чунки хизматнинг бу тури чиндан-да имкониятларга бойдир.

АКТЁРЛИК МАҲОРАТИ БОР

Ўқчи посбон оддий аскар Отабек Меҳмоновга нисбатан сафдошлари, командирлари шундай дейишади. Бу бежиз эмас, албатта. Резервга бўшаш арафасида турган аскар муддатли ҳарбий хизматгача Тошкентдаги маданият коллежида таҳсил олиб, оммавий байрамлар режиссураси бўйича малакага эга бўлган. Хўш, унинг бу маҳорати армияда ҳам асқотаяптими? Аввало айтиш лозимки, йигит ташкилотчилик характери эга. Шу боис хизматининг дастлабки пайтлариданоқ тарбиячи офицерларга байрамларни ташкил этиш, ўтказиш бўйича яқин ёрдамчига айланди. Янги йил мисолида оладиган бўлсак, Отабек бошчилигидаги посбонлар офицерлар, шартнома бўйича хизматчиларнинг фарзанд-

ларига ажойиб байрам кечасини уюштириб беришди. Таъкидлаш жоизки, Отабек ўйнаган ялмоғиз кампир роли жажжиларга роса манзур келди.

Отабек фақатгина маданий-маърифий ишлар билан чекланиб қолмаган. Юқорида айтганимиздек, унинг ўз вазифаси бор. Шу жиҳатдан олиб қараганда ҳам унга ҳавас қилса арзийди. Ўғлон дала-ўқув машғулотида нишонларга беҳато отиб, сафдошларига бир неча бора ибрат бўлган. Гуруҳ командири лейтенант Хайрулла Тўйчиев қўл остидаги бу аскар ҳақида қисқа ва лўнда қилиб: «тегирмондан ҳам бутун чиқадиган чақноқ йигитлардан. Ёки ҳарбийчасига айтганда бемалол у билан разведкага борса бўлади», деди.



Аминмизки, резервга бўшаш арафасида синов машғулотидаги жанговар ютуқлари билан бу ишончини янада оқлайди, ўзбегимнинг мард ўғлони.

Сержантлар тайёрлаш мактабида

БЎЛҒУСИ ПРОФЕССИОНАЛЛАРДАН БИРИ

Ҳадемай Сержантлар тайёрлаш мактабларида навбатдаги битирув бўлади. Айни пайтда бу масканларда бўлажак давлат имтиҳонларига, битирувдони синовларига тайёргарлик қизғин. Ортда қолган йил якунлари бўйича Қуролли Кучларимизда энг илғор деб топишган Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округнинг Сержантлар тайёрлаш мактабида бўлганимизда бунини янада яққол ҳис қилдик. Бу ердаги яратилган шарт-шароитлар, моддий-ўқув база хусусида кўп тўхталганмиз. Шу ўринда эса бундайин замонавий шароитларда таҳсил олаётган бўлғуси профессионалларимизнинг билим даражаси, соҳасини қай даражада эгаллаётгани бизни қизиқтирди.

Боғибек Бозоров 1999-2000 йилларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган. Икки йилдан бери эса шартнома бўйича хизматда. Унга танк командири вазифасини топширишди. Ҳар ҳолда тажрибали офицерлар, командирлардан ўрганиб, соҳаси бўйича кўникмалар орттирди. Аммо ўйлаб қараса, бу камлик қиларкан. Қисм қўмондонлиги ҳам худди шуни сезгандек, посбонни Сержантлар тайёрлаш мактабига

ўқишга йўллади. Мана, ҳадемай курсант Бозоров кичик сержант унвонини олади, қўлига сертификат тегади. Бу масканда танк командири соҳаси бўйича таҳсил оляпти.

– Энг аввало етакчилик нима эканлигини тушуниб етдим. Сержант етакчилик хусусиятига эга бўлмай туриб, профессионал бўла олмайди. Ҳақиқий етакчи аскар қалбига йўл топа билиши, уни ортидан эргаштира олиши лозим. Бунинг учун етарли билим, дунёқараш зарур. Илмий кутубхонамизда соҳамизга онд бир қанча адабиётлар бор. Энг муҳими, уларнинг аксарият қисми давлат тилида. Бу эса бизнинг қўшимча билимлар олишимизни, тажриба, маҳоратимизни оширишимизни таъмин этмоқда. Катта лейтенант Отабек Норматов командирлик қилаётган взвод курсантлари билан мусобақадоримиз. Ҳар ҳафтада натижалар таҳлил қилиниши ўзаро мусобақадорликни шакллантиряпти. Улардан ортда қолмаслик учун ҳаракат қилияпмиз. Наврўз умумхалқ байрами тантана қилинаётган кунларда Қарши педагогика университети талабалари билан футбол мусобақаси ўтказдик. Қўлимиз баланд келга-



ни ҳам ўқув масканимизда жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор қаратиб келинаётганини исботлайди. Ўзим энгил атлетикага жуда қизиқаман. Яқинда мактабимизда кўпкураш бўйича Қуролли Кучлар чемпионати ўтказилганда ҳарбий спортчиларнинг маҳоратларидан кўп сабоқлар олдим.


Мактабимизда интеллектуал ўйинлар ҳам ўтказилиб турилади. Яқинда ана шундай ўйинлардан бири тактика фанига бағиш-

ланди. Бу билан биз – бўлғуси кичик командирларнинг билим даражаси шаклланиапти, – дейди биз билан суҳбатда курсант Б.Бозоров.

Тактика цикли ўқитувчиси подполковник Санъат Ибрагимов бўлғуси кичик сержантнинг билими, ўзлаштириш қобилиятига юксак баҳо берди:

– Курсант Баҳром Эгамбердиев командирлик қилаётган мазкур гуруҳ, яъни бўлғуси танк командири анча фаол. Гуруҳлар

ўртасидаги мусобақада доимо пешқадам бўлиб келишмоқда. Бунинг сабаби гуруҳдаги курсантларнинг бари профессионал бўлишга қатъий аҳд қилган ўғлонлардир. Уларни алоҳида ажратиб кўрсатмоқчи эмасман-у, гап келганда айтиб ўтиш керак. Курсант Бозоровда ўзига хос тиришқоқлик, интилувчанлик, топқирлик бор. Ишонаманки, у келгусида аскарларни ортидан эргаштира олувчи яқин устоз бўлади.



Саҳифани майор Алижон САФАРОВ, Инобат ИБРОҲИМОВАлар тайёрлашди. Александр МРУЧАК олган суратлар.

Технике — заботу и внимание


Готовятся всесторонне

В воинском коллективе автомобильного взвода под командованием майора Ганишера Курбанова в эти дни идет напряженная работа по подготовке к переводу техники на режим эксплуатации в летних условиях.



состояния двигателя автомобиля после возвращения из рейса. По его словам, ремонтники уже приступили к устранению недостатков на отдельных машинах. И здесь пример товарищам по работе подает слесарь по ремонту двигателей служащий Вооруженных Сил Мансур Исмоилов, накопивший богатый опыт по своей специальности.

Весь водительский состав активно участвует в подготовке к переводу техники на режим эксплуатации в летних условиях — ведь предстоит не просто сменить марки охлаждающих жидкостей и соответствующих сезону масел, но и



полностью проверить степень готовности своих машин к работе в условиях жаркого лета. В этом важном деле задают тон такие водители, как младший сержант по контракту Бабур Кенжаев, рядовой по контракту Руслан Хамидов.

Уроженцу Кувасайского тумана Ферганского вилоята рядовому Умиду Абдуразакову осталось служить совсем не-

много — сразу после контрольной проверки за учебный период передовой воин отправится домой. Поэтому отличный водитель намерен в образцовом состоянии передать технику в руки своего преемника. Эстафета честного и добросовестного служения Родине много и не предполагает.

...Дежурный по парку докладывает в штаб о прибытии из поездки очередного автомобиля. Собственно, отсюда и начинается его маршрут, ведь разрешение на выезд дается также дежурным только после тщательной проверки исправности транспортного средства.

В эти дни все усилия воинво-автомобилистов направлены на то, чтобы организованно и с высоким качеством подготовиться к плановому переводу техники. От этого в немалой степени будет зависеть и успех выполнения учебно-боевых задач в дни летней боевой учебы.

Майор
Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото Александра Мручака.

— Минувшая зима выдалась суровой, — говорит заместитель командира части по вооружению подполковник Шерали Мухитдинов. — Поэтому сейчас очень важно подвергнуть строгой ревизии состояние всех узлов и механизмов каждого автомобиля. Только после тщательного осмотра и составления дефектовочных ведомостей будет начата работа по переводу техники.

На одном из снимков вы видите, как командир взвода проверяет комплектность водительского инструментария в машинах группы, где заместителем командира младший сержант по контракту Исомиддин Эшкуллов. Проверяемый води-

тель младший сержант по контракту Хушвакт Кадыров, в этой воинской части начинал службу еще солдатом срочной службы, был оставлен на своей должности, затем отучился в Школе подготовки сержантов Ташкентского военного округа. Как профессионал, он оказался готов к проверке — весь положенный инструмент в наличии. В принципе, по-другому и быть не должно — ведь после выхода на линию маршрута инструменты должны постоянно находиться, что называется, под рукой.

Командира ремонтной секции младшего сержанта по контракту Абдушуккура Каримова мы застали за проверкой



ТАРИХИЙ АНЪАНАЛАР ТИМСОЛИ

Яшариш, янгиланиш тантанаси бўлган Наврӯз байрами юртимизда кенг нишонланди. Байрам руҳи ҳамон сақланиб турибди.

Халқимизнинг қадимий ва севимли байрами таъинларга учраса-да, истиклол шарофати туфайли азалий нафосати ва мафтункорлиги билан элимизга қайтди. Наврӯзи оламнинг бошқа байрамлардан катта фарқи бор. Уни орзу-умидлар, кўнгилда эзгу ниятлар ила интиқлик билан кутдилар.

Айнан шу байрам халқимизнинг эзгуликка, меҳр-шафқатга лиммолим уйғоқ қалбининг ажиб кўринишидир, десак янглишмаган бўламиз.

Фақат бизнинг халқимизгагина хос бўлган ҳашарнинг Наврӯзи олам олдидан ўтказилиши ҳам анъанага айланиб қолди.

Бу байрамга тайёргарликнинг ўзиёқ одамларни бир-бирига яқинлаштиради. Ҳарбий округлар, гарнизонлар, қисм ва муассасалар, мактаблар, болалар боғчалари ҳудудларида, маданий дам олиш жойларида ҳашар йўли билан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди, ариқлар тозаланиб, йўллар ва бинолар таъмирланди.

Янги кунни муборакбод этиб, ота-оналар, қариялар, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш

ҳам айнан шу байрамга хосдир.

Ҳарбий жамоаларда Наврӯзи оламнинг тантанали тарзда нишонланиши миллий ғоя ва миллий қадриятларимиз моҳиятини янада чуқур англашга хизмат қилади. Халқ ва армия яқинлиги ўтмиш маданиятимиз, гўзал урф-одатларимизни ўзида акс эттирган меҳнат ва яратувчилик байрами — Наврӯзи олам тантаналарида янада яқинроқ намоён бўлди. Зеро, профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямиз посбонлари бой ва қадим маънавиятимизнинг зилов чашмаларидан руҳий қувват олади.

Барча-барчага тарихий анъаналаримиз тимсоли, меҳр-шафқат ва эзгулик байрами муборак бўлсин!

Адлия капитани
Илҳом ЯКУБОВ.

САВОДХОНЛИК — ИНТИЗОМ ГАРОВИ

Майор Мусурмон Шерматов тарбиявий ишлар бўйича қисм командирининг ўринбосари вазифини бажараётган ҳарбий жамоа ҳам ўқув мавсумини муваффақиятли якунлашга астойдил киришганлар. Аввалдан бир нараса дейишга эрталоқ бўлса-да, жамоа якуний синов машғулотида яхши натижалар кўрсата олишга асослар бор.

Ҳарбий жамоанинг «Зенитчи» деворий газетаси шунчаки расмийлик бўлмай, балки бу ерда олиб борилаётган ишлар, дала-ўқув машғулотларидан лавҳалар, илғорлар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб боради. Бу билан ҳар бир посбоннинг аниқ вазифини борлиги ва уларнинг

арзимасдек туюлган ютуқлари ҳам эътибордан четда қолмаслиги аён бўлади.

Қисмда жанговар шайлининг асоси бўлган ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотида алоҳида аҳамият қаратилган. Машғулот хоналари, турли адабиётлар, газета ва журналлар, кўргазмалар лавҳалар намоиши учун замонавий видеоаппаратуралар билан жиҳозланган.

— Бугунги кун посбонларига қўйилган талаблар ўз устидан тинимсиз ишлаб, билимингни муттасил равишда мустаҳкамлаб боришни тақозо қилади, — дейди майор Мусурмон Шерматов. — Посбонлар ҳарб илмига оид

адабиётлардан бемалол фойдаланишлари учун қисмда каттагина кутубхона мавжуд. Тарбиявий ишларни янада таъсирчанроқ, самаралироқ бўлиши учун жамоада турли учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказилади. Айниқса, ёш аскарлар учун ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан савол-жавобларга бой, сермазмун учрашувлар тез-тез ташкил қилинади. Ҳуқуқий саводхон посбонлар орасида низом қондаларига зид хатти-ҳаракатлар деярли учрамайди. Бу билан жанговар шайлининг юксак даражада бўлишига замин яратилади.

Адлия майори
Шухрат САГАТОВ.

Военные профессионалы

Лидер горных стрелков

В воинском коллективе горнострелковой группы под командованием лейтенанта Диера Сарикова так по праву называют заместителя командира группы младшего сержанта по контракту Шерзода Туракулова. Он во всем подает пример сослуживцам, являясь образцом профессионализма и верности долгу.

Уроженец кишлака Юкори Карки Акдарьинского тумана Самаркандского вилоята прошел обучение в Школе подготовки сержантов Ташкентского военного округа. С благодарностью вспоминает Шерзод уроки наставников. В повседневной служебно-боевой деятельности введенные ему подразделения получили знания и навыки оказались как нельзя кстати.

В завершающемся учебном периоде горные стрелки активно использовали каждый день боевой учебы для закрепления на практике освоенного теоретического материала. Например, на боевых стрельбах группа действовала лучше остальных при ведении оборонительного боя. В вопросе инженерного оборудования позиций главным помощником заместителя командира группы стал сапер младший сержант по контракту Фарход Хушвактов, механику-водителю младшему сержанту по контракту Ильому Усманову с его по-

мощью удалось отлично замаскировать боевую технику. А когда была дана команда на поражение условного противника, то среди отличившихся оказались снайпер младший сержант по контракту Диливер Саидбекиров и гранатометчик младший сержант по контракту Комил Бобоев. При подведении итогов боевых стрельб руководитель занятия высоко оценил действия младшего командира по организации обороны группы, обратил внимание на слаженность действий его подчиненных.

В эти дни все усилия членов передового коллектива направлены на то, чтобы успешно подготовиться и сдать контрольную проверку за зимний период обучения. И вновь заместитель командира группы младший сержант по контракту Ш.Туракулов на каждом занятии стремится не только сам подавать пример товарищам, но и помогать тем, кто отстает. Впрочем, таковых здесь практически нет, ведь в рядах военных профессионалов развернулась острая конкуренция за право называться лучшим сержантом группы. И лидеру горных стрелков далеко не просто доказывать свое превосходство.

Майор А.АЙНАТДИНОВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

(Давоми. Боши 1-бетда).

уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервга бўшатишга ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида» ги Қарори ва шу Қарорга илова қилинган Низом давлатимиз раҳбариятининг қақурув масалалари- га нақадар катта эътибор бераёт- ганлигини таъкидлади. Журна- листларнинг диққатини қуйида- ги масалаларга жалб этди:

ҳозирги вақтда Қуролли Куч- лар сафига муддатли хизматга ча- қириш танлов асосида амалга оши- рилмоқда. Бу армиянинг жамияти- мизда обрў-эътибори жуда юқори эканлиги кўрсаткичидир. Танлов очик-ошкора ўтказилмоқда;

Қуролли Кучлар сафига куза- тиш ва резервга бўшаган хизмат- чиларни кутиб олиш маросимла- ри байрамона руҳда, давлат ва жамоат ташкилотлари иштиро- кида амалга оширилади; қақурувда ҳокимиятлар ва

жамоат ташкилотларининг роли янада ошиб бормоқда. Қуролли Кучлар ва халқ жипслиги янада мустаҳкамланмоқда;

ҳарбий хизматдан бўшати- ганларга катта имтиёзлар берил- ган. Уларни ишга жойлаштириш- да, олий ўқув юрларига ўқишга киришда имтиёзлар эга мавжуд;

муддатли ҳарбий хизматга, сафарбарлик қақуруви резерви хизмати йиғинларига қақурил- ганлар учун барча шарт-шароит- лар яратиб берилмоқда. Ҳарбий

хизматчилар учун ҳозирги кунда аввалги казарма ўрнига барча шароитлар мавжуд замонавий уй-жойлар барпо этилмоқда.

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов ижодий уюшманинг бу борада амалга ошираётган, ре- жалаштирган ишлари хусусида гапириб берди.

Журналистларнинг қақурув- га оид саволларига атрофлича жавоблар қайтарилди.

**Подполковник
Абдуразоқ ОБРЎЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.**

ИККИ АДАШ – ИККИ МУСОБАҚАДОШ

Ўқув мавсуми бошида катта лейтенантлар Дилшодбек Жўра- боев ва Муҳаммад Рўзиевлар ко- мандирлик қилаётган взводлар посбонлари ўзаро мусобақала- шишга аҳдлашиб олишди. Шу боис, қишқи ўқув мавсумининг да- стлабки кунлариданоқ дўстона ра- қобат авж олди. Ҳар ҳафталик на- тижалар таҳлил қилина бошланди. Икки жамоа ҳам бир-бирларига муносиб рақиблар эканлигини ис-

ботлашди. Келинг, шу ўринда бир қизиқ маълумотни келтириб ўтай- лик. Бу икки жамоадаги икки Шер- зод – икки ўқчи аскар ўртасидаги ўзаро мусобақадир.

Оддий аскар Шерзод Хўжаев катта лейтенант Рўзиев командир- лигидаги жамоада, оддий аскар Шерзод Исмолов эса катта лейте- нант Жўрабоев етакчилигидаги жамоада хизмат қилади. Ўқчи посбон оддий аскар Исмолов иж-

тимоний-сиёсий тайёргарликлардан ютуқларга эришиб, мавсум аввали- да олдинга чиқиб олганди. Ўз навбатида оддий аскар Хўжаев так- тик тайёргарликлардаги ютуқлари билан мувозанатни тиклади. Поли- гондаги амалий машқларда эса умумий натижалар бир хил бўлди.

– Барини энди синов машғу- лотлари ҳал қилади. Энг муҳими, мусобақадорлик жанговар шай- лигимизни янада оширишга хиз-

мат қилапти, – дейди оддий аскар Ш.Исмолов.

– Мусобақа давомида жанговар дўстлигимиз янада шаклланди. Ўзаро рақобат бизнинг янада етук аскар бўлишимизга сабаб бўлмоқ- да, – дейди ўз навбатида оддий ас- кар Ш.Хўжаев.

Биз икки дўст, икки мусобақа- дош, икки адашга жанговар хиз- матларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.**

ВЕСЕННЕМУ ПРАЗДНИКУ – ВЕСЕННЕЕ НАСТРОЕНИЕ

